**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ»**
**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ**
**НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**
**88-сонли БАЁНИдан**
**КЎЧИРМА**

Умумий йиғилиш Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов шоҳ кўчаси, 4 уйда ўзи борган ҳолда ёки видеоконференцалоқа режимида "ZOOM" платформасида ўтказилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун акциядорлар иштирок этдилар.

| | |
|---|---|
| Йиғилиш ўтказилган сана: | 2024 йил 19 ноябрь |
| Рўйхатга олиш бошланган вақт: | соат 14.00 |
| Рўйхатга олиш тугаган вақт: | соат 14.40 |
| Йиғилиш ёпилган вақт: | соат 15.30 |
| Баён тузилган сана: | 2024 йил 28 ноябрь |

**ЎзРВБ акциядорларининг жами овозлари сони – 1 069 600 та овоз.**

Йиғилишда қатнашган акциядорлар 1 069 600 та овозга эга бўлиб, бу жами овозлар сонининг 100 фоизини ташкил этади.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. ЎзРВБ саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг сайланган аъзоси ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш.
4. ЎзРВБ Кузатув кенгашига янги номзодни сайлаш.

**ЎзРВБ акциядорларининг овоз бериш бюллетенлари асосида**
**ЎзРВБ акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қуйидаги**
**қарори қабул қилинди:**

**1.** ЎзРВБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши "ЎзРВБ" АЖ акциядорларининг умумий йиғилишларида ва кузатув кенгаши йиғилишларида видеоконференц-алоқа режимида иштирок этиш тўғрисида"ги регламентга мувофиқ ўзи борган ҳолда ёки видеоконференцалоқа режимида "ZOOM" платформасида ўтказилсин ва акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини олиб бориш, масалаларни кўриб чиқиш тартиби қуйидагича тасдиқлансин:

- маърузачиларга асосий масалалар бўйича чиқиш учун ажратилган вақт – 10 дақиқагача;

- қўшимча фикр билдиришлар ва тортишувлар учун ажратилган вақт – 5 дақиқагача;

- савол ва жавоблар учун ажратилган вақт – 5 дақиқагача.

**Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.**

**2.** ЎзРВБ саноқ комиссияси қуйидаги таркибда тузилсин:

Джураев О.Х. - Бош директор ижро офиси раҳбари

Худойбердиев Ж.Б. - Бошқарма бошлиғи

Умурзаков О.Э. - Бош юрисконсульт

**Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.**

**3.** ЎзРВБ Кузатув кенгашининг сайланган аъзоси, Кузатув кенгаши раиси Абубакиров Бобир Юлдашовичнинг ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилсин.

**Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.**

**4.** ЎзРВБ Кузатув кенгашига қуйидаги янги номзод овоз бериш натижаларига кўра **уч йил** муддатга сайлансин:

Олимов Аброр Мирзо Муҳаммадкосимович - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари.

**Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.**

**Йиғилиш раиси:** *имзо* **А.А. Адилов**

**Йиғилиш котиби:** *имзо* **Б.Т. Салойдинов**

**Бош директор:** *имзо* **Р.Р.Усманов**

**Аслига кўра тўғри:**
**Бош директор** **Р.Р. Усманов**